Борис ВАСИЛЬЕВ

# РОССИЯНИ СЕВГИН РУТУБАТЛИ КУНДА ҲАМ...

## 3.

Синфий кураш деб рўкач қилинган ижтимоий кураш жараёнида давлат нафи учун маънавият ўз-ўзидан ишлаб чиқилаяпти.

Уни одамларнинг миясига қолипдек қуйиш, Бутуниттифоқ миқёсида итоаткорлик ва ижро ташаббуси идеалини бунёд этиш керак эди. Бу ўринда ҳақиқатан ҳам оламшумул обрў талаб этилар эди, чунки ана шу обрўни ниқоб қилиб олиб, маданиятни мустақил гражданлик позицияларидан бугунги кун расмий ташкилотининг чўриси аҳволига солиш лозим эди, ҳа, дарвоқе бугунги кун расмий ташвиқотининг чўрисига айлантириш лозим эди, бизнинг наслу-насабга хос хусусиятимиз ҳам худди ана шунда-да.

«...Алексей Максимович, орамизга совуқчилик тушгандай. Аразлашиб қолгандаймиз. Мен эса сийқа тортган шимимни ялтиратиб, жўнаб қолдим, сизни халқаро исканжа ўз домига тортди...» деб ёзган эди Маяковский А. М. Горькийнинг чет элга кетиши муносабати билан. Луначарский ёзганидек, Алексей Максимович 1928 йилда «олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан» қайтиб келди, аммо у, аввало, муқим турмади, вақти-вақти билан чет элга кетиб, қайтиб келиб турди. Мен машҳур ёзувчи шу сабабга кўра қайтиб келдими ёки бунинг бошқа боиси борми, буни билмайман: турли тоифадаги раҳбарларга қаттиқ зарба берган, ЦЕКУБУни тузган, бўйнига сиртмоқ солинган одамларни том маънода ўлимдан қутқариб қолган революциянинг худди ана шу бўрон қуши, гарчи барча мудҳиш воқеалар унинг кўз ўнгида содир бўлаётган бўлса ҳам, қайтганидан сўнг бирор марта халқни ҳимоя қилмади, маданиятни, ҳуқуқни, адолатни ҳимоя қилмади — мени худди ана шу нарса кўпроқ ҳаяжонга солмоқда. Деҳқонларнинг абгор қилиниши, дворянларнинг узоқ-яқин қариндошлари қириб ташланиши; ишини судга оширмай заррача гуноҳи бўлмаган юз минглаб одамларнинг сургун қилиниши ва зиёлиларнинг ёппасига қамалиши; очарчилик ниҳоят. Бу қабиҳликларни санаб саноғига етиб бўлмайди.

Ёзувчининг хотини Е. П. Пешкова ва В. И. Лениннинг синглиси Мария Ильинична ўзларини эҳтиёт қилмай, ўз қисматлари ҳақида ўйламай одамларни қамоқлар, лагерлар ва сургунлардан озод қилишга жон-жаҳдлари билан уринишаётганида, А. М. Горький сокингина ҳаёт кечираётган эди. У ҳукумат ложаларида, турли-туман президиумларда пайдо бўлиб турди, юқори мартабали меҳмонларни қабул қилаверди, «Васса Железнова»ни қайта кўчирди. «Клим Самгин ҳаёти» романини янги саҳифалар билан тўлдириб борди.

Алексей Максимович ёзувчиларнинг биринчи съездида тўрт марта сўзга чиқди: аввало қутлади, асосий докладни қилди, унинг номи тез-тез тилга олинишига қарши лўнда маъруза айтди, сўнгра якунловчи нутқ сўзлади. Ёзувчиларнинг I съезди устав қабул қилди, союзни ташкил этди ва ҳоказо. Лекин бу масаланинг қобиғи эди: унинг мағзи ақиданинг тасдиқланишидир: 1947 йилда нашр этилган Катта Совет Энциклопедияси бу ақиданинг автори И. Сталин деб кўрсатса, 1954 йилги «Фалсафий луғат» унинг муаллифи М. Горький, деб тасдиқламоқда. Жаҳон маданияти тарихида биринчи бор бадиий ижоднинг туннель ҳаракати масаласи ҳал қилинган эди. Бундан буён санъат ижтимоий жараёнларни моделлаштириш ва бу жараёнларни ҳаракатга келтирувчи кучларни тадқиқ этиш ўрнига «ҳаётни акс эттириши», акс эттирганда ҳам «янгилик» ва «эскилик» нисбатларини, «ижобий» ва «салбий» жиҳатларни дастуриламал қилиб олиб, муайян нуқтаи-назардан ёритиши керак эди. Бунга «социалистик реализм» деган ном берилди. Совет санъатига пўлатдан ясалган сиртмоқ солинди, жиловни эса таҳрир этадиган маъмурий аппарат ўз қўлига олди. 1934 йил санъатимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизда Буюк Бурилиш йили бўлди: ижоднинг давлат Қоидаларини қабул қилмаган санъаткорлар меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум этилди, уларни матбуотда бадном қилишди, бадарға қилишди, қамашди. Истиснолар бор эди албатта, лекин на Шолохов, на Твардовский ниҳоятда ғоявий ва мутлақо маънавиятли адабиётнинг лойқа оқимига қарши тура олмадилар. Биз қоидалар ва бандлар асири бўлиб қолган ижобий қаҳрамонга жон ато эта олмаганлигимизнинг асосий сабаби ҳам ижоднинг тушовлаб қўйилганида, санъатнинг туннель йўлида бўлди.

Танг қоладиган ери шундаки, ҳаётда қаҳрамонлар кўп эди. Биринчи беш йилликда биз полвон сингари оғир юкни, жуда оғир юкни даст кўтариб елкага олдик, бунда арзон ишчи кучи асқотгани тўғри, бетимсол иқтисодий, жисмоний ва маънавий эксплуатация ҳам бўлди албатта, аммо айни вақтда миллион-миллион меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоати туфайли ҳам биз шу юкни даст кўтара олдик. Ўша вақтлар жаҳонда энг қисқа иш куни жорий этилган эди (уни «беш кунлик» дейишарди, яъни тўрт кун ишлаганидан кейин, бешинчи кун дам олиш куни эди; етти соатли, баъзи бир жойларда эса олти соатлик иш куни пролетариатнинг реал қўлга киритган ютуғи бўлди: орадан бир неча йил ўтганидан кейин бу ютуқларни тортиб олишди), энг йирик қурилишларда аслида ҳеч ким дам олиш кунларидан фойдаланмас эди, бунинг устига, одатга кўра ишдан кейин ҳам қолиб меҳнат қилишарди. Албатта, бизнинг меҳнатга бугунги муносабатимиз нуқтаи-назаридан буни ташвиқот, тазйиқ, иқтисодий омилни дастур деб билмай мажбур қилишга йўйиш мумкин. Аммо ўз қўли билан яратилаётган бойликларнинг зарурлигига ишончни назардан соқит қилиб бўлмайди. Ўша кезлар ҳали меҳнат шахсий маънавиятнинг ўзаги деб тушуниларди, ёрқин «келажак»ка ишонч, эътиқод сўнмаган эди; «кўчма Қизил байроқ» ёки «қора доскалар» сингари тарғиботнинг жуда жўн чоралари содда ва ҳалол одамларга кучли таъсир ўтказиб келарди. Иш натижаларига ҳали ҳам шахсий фаровонлик манбаи деб эмас, балки муштарак ютуқ деб қарарлади. Омма ўз аччиқ қурбонлари беҳудалигини, бекорга озор чекканлигини билиб олганидан кейин, орадан анча ўтганидан кейингина буларнинг ҳаммаси барбод бўлади. Ана ўшанда маънавият чил-парчин бўлишининг иккинчи босқичи бошланади, аммо биринчи ва иккинчи босқичлар ўртасида шундай бир бетимсол қудратли парвоз борки, бу — Улуғ Ватан урушидир.

Ўттизинчи йилларнинг бошларида мустақил, ташаббускор, ўйлаб иш юритадиган гражданга эмас — бу хато бўлгани йўқ, балки қонуният эди! — (қишлоқдаги ана шундай мустақил одамларнинг «уруғини» қуритишаётган» эди!) балки итоаткор гражданга суянишди. Унинг кўнглида шубҳа бўлмаган, ўтмишга қизиқмаган, бугунги кунни таҳлил этишга мойил бўлмаган. Сталин СССРда меҳнат «ор-номус иши, шон-шараф иши, мардлик ва қаҳрамонлик иши» деган шиорни ниқоб қилиб олганидан итоаткор, мутелик билан буйруқлар ва фармойишларни бажарадиган кишини «тарбиялаш» назарда тутилган эди. Бу борада А. М. Горькийнинг ёзувчилар съездидаги сўнгги сўзида баён этилган илтимоси характерлидир:

«Биз ҳукуматга мурожаат этиб, ёзувчилар союзига қаҳрамон пионер Павел Морозовга ҳайкал ўрнатишга рухсат беришларини сўрашимиз керак...»

Акаки Акакиевичлар, Макар Девушкинлар ва Соньяхон Мармеладовалар маънавий меросимиздан ситиб чиқарилаётган эди, бундан буён уларнинг оёғи «муқаддас даргоҳ»имиздан тортилиб қолди. Аммо бугун ҳам ўша шум даврдаги халқ маънавияти куч-қудратини тасаввур этиш мумкин эмас: лекин халқ давлатнинг қудратли ташвиқот аппарати билангина эмас, балки Максим Горькийнинг катта обрўси билан ҳам тиқиштирилган ўша қаҳрамонни оҳисталик билан, аммо қатъий нари суриб қўйди. Ўша бахти қаро бола, ўша йилларнинг кўпдан-кўп қурбонларидан бири халқ дилига қовушмади, халқнинг қаҳрамони бўла олмади.

Мен улуғ ёзувчидан кўплаб кўчирмалар келтирмоқдаман. Бундан муаллиф, гўё «Горькийни тафтиш этишга» интиляпти, деган тасаввур туғилишини истамас эдим. Йўқ, муаллиф улуғ ёзувчи Максим Горькийнинг сидқидил мухлисларидандир. Айни вақтда у Нижний новгородлик мешчан Алексей Максимович Пешковнинг қаттол ғанимларидандир. Ҳа, ҳар бир улкан истеъдод соҳибида пайғамбар сиймоси ҳам, иблис сиймоси ҳам мужассам бўлади, аммо иблис ҳеч қачон ижодкор юзини тўсмаслиги керак. Улуғ санъаткорлар ижоди замиридаги холисона маънавият бизнинг мулкимиздир.

Ўша даврдаги мамлакат маданий даражасини эслаб ўтайлик. Фақат 1930 йилдагина тўрт синфни битириб чиқиш шарт қилиб қўйилди, ўттизинчи йилларнинг ўрталаридагина шаҳар мактабларида тарих фанини ўқита бошладилар, 1939 йилги аҳоли рўйхатига кўра, ўн ёшдан ўтиб кетган мамлакатдаги ҳар беш (!) кишининг бири батамом саводсиз эди. Зиёлилар илгари ҳам бадном этиб келинган эди. Аммо саводсизлик «мана мен» деб турган ана шу шароитда бадном этиш қора чалпишга айланиб кетди: ўттизинчи йиллардаги барча сохта суд процесслари партия, илм-фан аҳллари ва ҳарбий арбоб бўлган зиёлилар устидан бўлган процесслар эди (ишчилар ва деҳқонлар устидан бўлган процесслар сира матбуотда эълон қилинмади). Ҳамонки ялпи саводхонлик ўрнини ялпи радиолаштириш эгаллаган экан, жамоатчилик фикрини вужудга келтириш ҳам фақат техникага хос иш бўлиб қолди.

Мен ўша вақтдаги мактабда ўқиганман. Шахсий тажрибамга таяниб шуни айтишим керак, вулгар социологизм методи гуманитар фанларни ўқитишнинг асосий методи бўлган эди, ўша социологизмнинг ўзи социалистик реализм тўғрисидаги ақида ҳаётга зўр бериб жорий этилишининг амалий натижаси бўлди. Биз юриспруденция алифбесини ўрганиш ўрнига, оддийгина ҳуқуқшуносликни ўрганиш ўрнига, сталинча конституцияни қироат билан ёдлар эдик. Тарихга фақат бу фаннинг «тарбиявий нуқтаи назари»дан нигоҳ ташланар эди. Тарихнинг «жони» суғуриб олинди: у ўзининг даҳоларидан — азоб-уқубат чеккан кишиларидан, қаҳрамонларидан, давлат арбобларидан, маданият яловбардорларидан маҳрум бўлиб қолди, ҳатто Пушкинни ҳам вафотининг юз йиллиги муносабати билан шунчаки эслаб қўйишди. Мактабдаги тарих фани ва санъатдаги тарих маънавият илдизларидан батамом маҳрум бўлган эди.

Агар тарихдан унинг фаол арбоблари ялпи юлқиб олинаётган бўлса, адабиётда номлар билан бир қаторда жанрлар ҳам қонундан ташқари деб эълон қилина бошлади. Биз Достоевский ижодини ўрганмас эдик, Лесков, Бунин, Блок, Есенин кимлигини билмас эдик. Аммо биз мелодрама кўздан ёш оқиб турган буржуазия жанри эканлигини, сентиментализм эса фаолиятсиз ва кулгили эканлигини уқиб олдик, романтизм эса «революцион» сўзи илова қилинганидагина дуруст бўлади. Адабиётдан унинг асосий мазмун-мундарижаси, яъни маънавий пойдевори зуғум билан олиниб ташланаверди: бизга «образлар»ни, «ортиқча одамлар»ни, «ижобий ва салбий типлар»ни тиқиштираверишди; биз, гўё анатомия театрида жони питирлаб турган, нафас олаётган жониворни ўрганаётгандек эдик. Ана шу сюжет скелетларини бўлак-бўлак қилиб пробиркаларга солиб қўйиш мумкиндек. Ҳозир ҳам танқидчилик ўттизинчи йиллардаги пафос билан мелодрамани, сентименталликни заиф одамга раҳм-шавқатни, ўша шафқатга муҳтож одамларнинг ўзини ҳам қоралаб турибди; тобутдаги мўмиёланган Сталин эса жилмаймоқда, шиддат билан фош қилишларга қарамай Иосиф Виссарионович экқан уруғлар нишона бераётгандек. Бизнинг санъатимиз ахлоқли одам учун курашиш ўрнига фойдали одам учун курашишни давом эттирмоқда. У ахлоқ-одобли одамгина ҳамиша барча эзгу нарсаларнинг ижодкори бўлиб келганлигига ва маданиятнинг бойлиги деб ҳисобланганлигига парво қилмаётгандек. Туриш-турмушимиз, санъатимиз, мактаб ва тарғиботимизнинг қирон келтирадиган маънавиятсизлигига чек қўйилган давр ҳам бўлган эдику, ахир. Ана ўшанда тўсатдан ўтмиш қаҳрамонларига «жон ато этган» эдик, ахлоқий нормаларни қайтадан кўриб чиққан ва динни ҳам бир қадар оқлаган эдик. Бу душман босқинининг ниҳоятда мушкул йилларида бўлган эди. Ана ўшанда халққа ундан тортиб олинган қадриятларнинг озгинасинигина қайтариб берган эдик. Ана ўшанда шунча йил давом этган қонли издиҳомдан кейин, тоғ-тоғ уюлган ёлғон-яшиқ, қўрқоқлик ва разолатлардан кейин халқ маънавияти қуёшдек чарақлаб чиқиб бутун ер юзини мунаввар қилиб юборди. Бунинг боиси — ҳокимиятнинг «эси кириб» қолганида эмас, балки Ватан қисмати халқнинг ўз қўлига тушганлигидадир. ҲАЁТ-МАМОТ фақат унга, фақат унинг ўзига боғлиқ бўлиб қолган эди. Халқ яшашга қарор қилди. Шу тариқа халқ олий адолат, олий маънавият ва олий бурчни ўйлаб ўзининг неча ўн миллионлаб фарзандларини фидо этди, ўз ҳоқонининг жаҳолатпарастлиги ва ахлоқсизлиги учун ана шу фарзандларнинг қони тўкилди, уларнинг ҳаётлари қурбон бўлди.

Кек сақлаш — маънавиятсизлик кўринишларидан биридир. Ва хоқонлар Улуғ Ватан уруши тугашидан илгариёқ ғолибларга «миннатдорчилик» билдиришди. Зулм-зўрлик тўфони яна кўтарилиб кечаги миллион-миллион жангчиларни зиндонларга улоқтириб ташлади, халқнинг маънавиятига қарши янги зарба, шафқатсизлик ва шаккоклик билан янги зарба урилди.

Сталин ва унинг гумашталари қора террор даврида ҳам — жуда бўлмаганда ташқаридан назар солганда Совет халқининг интернационал руҳига дахл эта олмадилар. Совет Иттифоқининг тўнғич қаҳрамонлари орасида немислар, яҳудийлар, поляклар, қрим татарлари бор эди.

Бу — ҳали қўл теккизилмаган пойдевор эди, Улуғ Ватан урушининг жанггоҳларида ва шу жанггоҳ азоб-уқубатларида туғилган умумхалқ маънавиятининг қанотини букиш учун худди ана шу пойдеворни қўпориб ташлашга қарор қилишди. Ғолибларни яна тиз чўктириш талаб этилар эди, бундан кўзда тутилган муддао уларни ажратиб ташлаш, бири-бирига гиж-гижлаш эди. Шундай қилиб, одамлар кўнглига қўрқув, ғулув солиш, ишончсизлик ва нафрат уруғларини ташламоқчи эдилар. «Халқ душманлари» бир ёқлик қилинган эди. Энди бошқа душманларни топиш лозим бўлиб қолди. Бундай душманларни топишди ҳам.

Сталинча конституцияга кўра немисларга бериб қўйилган автоном республикадан уларни сургун қилишди, амалда бу унчалик сезилмади. Чунки мазкур сургун ҳарбий давр зарурати билан осонгина изоҳланган эди. Аммо Волгабўйи немисларидан кейин қрим татарлари, чеченлар, ингушлар, кабардинлар, болқорлар, қалмиқлар бадарға қилинди. Қора Денгиз греклари, айсорлар, курдлар, несхийлар бошига ҳам ана шундай кулфат тушди. Шу аснода бутун халқимизнинг интернационал бирдамлиги пойдеворига портловчи модда қўйилди. Ҳозирча — чекка-чеккаларда — «босқинчиларга ёрдам бергани учун» деган бебуруд айб тўнкаш йўли билан инвалидлар ва қариялар, аёллар ва болалар, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва стахановчилар, коммунистлар ва комсомоллар, деҳқонлар, ишчилар ва миллий зиёлилар сургун қилинаверди. Аммо бу, ҳар қалай сталинча ўн биринчи зарбага — бутун совет халқини бўлиб ташлашга, шундан кейин эса ташвиқот йўли билан бўлиниб кетган гуруҳларни бир-бирига гиж-гижлаб қўйишга артиллерия тайёргарлиги эди, холос. Халқ онгини миллатчиликнинг захри қотили билан оғулаш ички сиёсатнинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Иш жўнгина бошланган эди, аммо далил-исботларнинг худди ана шу жўнлигида уларнинг куч-қудрати намоён бўлганди. Газета ва журналлар ҳар куни рус илм фани ва техникасининг мутлақо устунлиги ҳақида мақолалар эълон қила бошладилар. Бу рус халқининг қулоғига хуш ёқар эди, мақолалар остига эса баобрў арбобларнинг имзоси қўйилганлиги ва энг асосийси, одамлар тарихдан ялписига бехабарлиги, тўғрироғи бу борадаги жаҳолатпарастлиги бу «кашфиёт»ларнинг бемаънилиги хусусида ўйлаб кўриш у ёқда турсин, бу кимга ва нима учун зарур бўлиб қолди деган рисоладаги хулосани чиқаришга ҳам имкон бермас эди. Мен бу ўринда миллий калондимоғлик, миллий заифликни ҳис этиш нишонаси эканлиги ҳақидаги ажабтовур ҳодиса ҳақида гапирмай ҳам қўя қолай. Буни қарангки ҳамма ниманики оғзига солаётган бўлса, чайнамай ютаверди. Лекин кўпчилик, ҳар қалай яқин орада ана шу ватанпарварлик васвасасининг иккинчи босқичи бошланишини ҳам сезиб турар эди.

Бу босқич ҳам кўп ўтмай ёпирилиб келди: матбуотда «беватан космополитлар» тўғрисидаги мақолалар кетма-кет пайдо бўла бошлади, гўё бу космополитлар рус халқининг мислсиз истеъдодларига парво қилмаётган эмиш. Кашфиётлар ва кашшофлар тўғрисидаги хабарлар бир мунча нари суриб қўйила бошлади. Бу тушунарлидир, чунки абгор қилиш учун тасдиқлаш эмас, балки рад этиш зарур бўлади. Тезис ўртага ташланган экан, душман кўзга чалиниб қола бошлади, ундан ўч олиш лозим эди. Шундай қилиб, яна Бутуниттифоқ кураши бошланди. Бу ўз-ўзидан интеллигенцияни бадном қилишга айланиб кетди.

Аввалига «беватан космополит»ларнинг қайси миллатга мансублиги маълум эмас эди. Аюҳаннос солиб бу космополитларни сазойи қилишди, эл кўз ўнгида тавба-тазарру қилишга мажбур этишди, (орадан йигирма йил ўтганидан кейин хитойлар бу тажрибани қайтаришиб, ўз «маданий революция»ларини авж олдирилди) улус олдида қўрқитишди, уялтиришди, панд-насиҳат қилишди ва иш яхшилик билан якунланганида уларни ишхонасидан ҳайдашди. Масалан, театр санъати давлат институтида Бояжиев ва Баршаговскийни, Юзовский ва Гурвични, Холодов ва Малюгинни, Альтман ва Варшавскийни оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақоратлашди. Бутуниттифоқ давлат кинематография институтида шоша-пиша космополит Эйзенштейндан юз ўгиришди, Юткевичга панд-насиҳат қилишаверишди, Москва педагогика институтида доцент Поклер, адабиётшуносликда профессор Эхенголс, тарих фанида эса Весиловский мактаби дашном эшитаверди; асосан зарба ижтимоий фанлар намояндаларига урилаётган эди. Лекин аниқ фанлар вакиллари ҳам «қуруқ» қолишмади. Газеталарда оддий совет кишисини айнитишга уринган «беватан космополитлар» янги-янги гуруҳлари фош этилгани ҳақида ҳар куни мақолалар босилар эди. Худди ўша оддий совет кишиси эса ўзи ҳам жонажон коллективида асосан, фамилияларни рўкач қилиб «космополит»ларни маҳв эта бошлади. «Литературная газета»да ҳам одамнинг кўнглини беҳузур қиладиган мақолача пайдо бўлди. Унда тахаллус билан ёзадиган адиблар номи тилга олинган ва амалдорга хос хафсала билан уларнинг асл фамилиялари (эҳтимол, анкеталардандир?) келтирилган эди.

Учинчи саҳнада ҳар нарса ўз номи билан аталадиган бўлиб қолди. Абстракт «беватан космополитлар» ўрнини сионистлар эгаллади. Уларнинг яҳудийлардан фарқи фақат шунда эдики, улар, яъни сионистлар «Жойнт» маҳфий ташкилоти ёрдамида жаҳон миқёсида қирон солиб иш кўрар эдилар, буни қарангки, ана шу ташкилотнинг вазифаси кейинчалик жаҳонга ҳукмрон бўлиш учун бутун дунё экономикасида асосий ўринларни эгаллашдан иборат экан.

1953 йил 13 январь куни иғвогарнинг чақуви билан бир қанча партия арбобларини атайлаб ўлдирди деб айб қўйиб, яҳудий миллатига мансуб бўлган жуда таниқли шифокорлар қамоққа олинди. Бу ифлос ва номуносиб, катта шов-шувга сабаб бўлган «иш» бўлган эди, менинг қўлимда ана шу «ишга» тааллуқли Ольга Чичеткинанинг бир мақоласи бор, бу мақола «Правда» газетасида 1953 йил 20 февраль куни «Лидия Тимашукнинг почтаси» деган сарлавҳа остида эълон қилинган. Масалани батафсил ёритиш учун шу мақоладан парчалар келтиришга мажбурман:

«...Врач Лидия Феодосьевна Тимашукнинг номи совет ватанпарварлиги, юксак ҳушёрлик, Ватан душманларига қарши муросасиз, мардона курашнинг рамзи бўлиб қолди. У врачнинг оқ халатидан совет кишиларини ўлдириш учун фойдаланган Америка малайлари ва жаллодларидан ниқобни олиб ташлашга ёрдамлашди...».

...Пенсионер қария Л. Казачук ўз мактубини оддий оналик сўзлари билан бошлабди: «Ватанимизнинг азиз қизи!:».

...Сочидаги ўнинчи мактаб ўқувчилари ўз ҳис-туйғуларини шеър билан ифодалабдилар:

**Жамият чиқитлари, қора ишингиздек,**
**Кунингиз ҳам лаънатга тўлсин,**
**Марду майдон рус аёлига**
**Мангу шараф, мангу шон бўлсин!**

Худди ўша 1950 — 1953 йилларда мен Горькийдаги автомобиль заводида ишлар эдим. 1953 йил 13 январдан кейин автозаводнинг социалистик шаҳарчасида вазият кескин ўзгарганини, одамлар яҳудий миллатига мансуб бўлган врачлар қўлида даволанишдан ошкора воз кечишганини, митингларда резолюциялар қабул қилинганини ва бу резолюциялар обкомга жўнатилганлигини яхши эслайман. Ўша кезлар мен биринчи мотор корпуси ва шосси корпусидаги икки митингда қатнашган эдим; ташвиқот йўлдан оздирган ишчи одамлар қандай резолюциялар қабул қилишганини эслайман. Бу одамлар, равшанки, суд ҳукмини кутиб ўтирмай, бадном этилаётган одамларни танимай, иш хусусида бирон-бир ахборотга эга бўлмай шундай резолюцияларни қабул қилавердилар.

Бу нима билан тугашини билолмай турган эдим. Шу вақт пақ этиб Сталин қазо қилди. Иш тўхтаб қолди, кўп ўтмай Тимашукнинг иғвогарлиги фош этилди ва омон қолган врачлар қамоқдан чиқарилди. Аммо умумдавлат миқёсидаги антисимистик оёқ ости қилиш аломатлари бизнинг кунларимизда ҳам гоҳи-гоҳида сезилиб қолмоқда. Бу, айниқса, «Память» жамиятининг экстремистик чақириқларида янграмоқда.

Келинг, тўқни тўққа, пучни пучга ажратиб, Сталин бошимизга не-не маломатлар солганига эътибор берайлик. Деҳқонлар яна асоратга солинди, улар ер-сувдан, паспортдан, кўчиб юриш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Минг машаққат билан қўлга киритилган ҳуқуқлар, социал ҳуқуқлар пролетариатдан яна тортиб олинди. Ва биз жаҳонда энг қисқа ва биринчи бўлган «беш кунлик» иш ҳафтаси ўрнига яна ўша қишлоқдаги сингари асоратга тушдик: ижозатсиз бошқа ишга ўтганлик, яъни юқоридан рухсат олмай бошқа ишга ўтганлик учун қоида бузган киши судга берилди; ҳатто ҳунар билим юртлари, темир йўл билим юртлари ва фабрика, завод таълими мактаблари ўқувчилари бўлган болалар ҳам ўқув юртидан кетиб қолганлиги учун суд ҳукми билан қамалиб меҳнат колонияларига жўнатилар эди. Эски маънодаги зиёлилар ўрнини расмий тарзда «совет зиёлиси» деган ном олган қатор ихтисосликдаги мутахассислар эгаллади. Юнон афсонасидаги Геростратдек ҳақиқатдан ҳам машъум ном орттирган Н. Андреева, эҳтимолки ана шу принциплардан воз кечишни истамаётгандир.

Хрушчёв жуда катта гражданлик ва маънавий жасорат кўрсатди. У ГУЛАГнинг телба конвейерини тўхтатди, миллион-миллион кишиларга озодлик берди, Никита Сергеевич Сталинни халқ фожиасида биринчи бор айбдор деб топди. Ҳозирча у Сталинни жиноятчи деб атамади. Аммо, Халқлар доҳийсининг бошидан тангри-таоло тожи олиб ташланди, мамлакатдагилар биринчи бор кўкракларига баҳор шабадасидек эркин нафас ола бошладилар. Лекин бу, таассуфки, узоқ давом этмади. Виждонли гражданлик жасорати билан иш тутган Никита Сергеевичнинг ўзига ҳам сталинизмнинг касофати урган эди, у ана шу касофатдан холи бўла олмади. Хрушчев ҳали ҳам қад кўтариб турган ғайридинга хос бўлган ибодатхоналарни ўжарлик билан бузиб ташлайверди, ижодий зиёлилар билан уришиб қолди ва космосдаги биринчи ғалабаларга маҳлиё бўлиб қолиб, «мамлакат» нинг «белини синдириб» қуролланиш пойгасини бошлаб юборди. Унинг ўрнига келган «арбоб» эса шу қадар юзсиз эдики, унинг мукофотларга ўчлигигина тарихда қолади, бу даврда мамлакат талон-тарож қилинди, бутун иттифоқда турғунлик бошланди.

Ҳеч нарса изсиз ўтмайди. Улуғ рус давлати бунёд этилаётган даврда пайдо бўлган яхши подшога ишонч ҳам изсиз кетмайди. Кўп аср давом этган крепостнойлик даврида одамларни молдек эксплуатация қилишди, унга мол деб қарашди, уни мол деб жазолашди ва молдек сотишди. Рус буржуазиясининг сиёсий синиши ҳам изсиз кетмайди. Гражданлар урушининг даҳшати ҳам, ҳарбий коммунизмнинг шафқатсизлиги ҳам, зиёлилар билан биз учун фожиа бўлган ўртага совуқчилик тушиши ҳам, В. И. Лениннинг бевақт вафоти ҳам, Сталин зулми ҳам, Хрушчевнинг ноизчиллиги ҳам, Брежневнинг ахлоқсизлиги ҳам изсиз кетмайди. Тарихан шундай таркиб топдики, биз Европадаги ҳар қандай мамлакатга нисбатан ва фақат Европадаги мамлакатларга нисбатангина эмас, марказий ҳокимиятга обдон боғланганмиз. Ва биз ҳамиша ана шу муқаррар хусусиятни ёдда тутиб иш юритишимиз керак. Жамият ва давлат олдидаги қўшимча масъулиятни идрок этмаган озодлик демократияни юзага чиқармайди. Балки демократияга ўхшаш нарсанигина вужудга келтиришга қодирдир. Арманистон ва Озарбайжондаги воқеалар худди ана шу аччиқ ҳақиқатни тасдиқлаб турибди. Жамиятни ҳақиқатдан ҳам демократиялаштириш қудратли базага таяниши керак; биздаги реал таркиб топган шароитларда бу, аввало республикалар ва халқлар ҳамдўстлигига суянишни тақозо этади. Биз қўлни қўлга бериб ишлаганимиздагина тангликдан чиқишимиз мумкин.

Биз қасос олиш учун эмас, балки халоскорликни ўйлаб атаман ва унинг ясовуллари устидан умумхалқ суди бўлишини талаб қилмоқдамиз. Аммо гуноҳкорлар рўйхати чексиздир, чунки ҳозиргача ҳам яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги чегара ноаниқ бўлиб турибди. Ҳа, хоқонлар маънавиятимиз қўрғонини қўпориб ташладилар, аммо сиз билан биз, кўплашиб ғайрат-шижоат билан ва қўшиқлар айтиб тошларни улоқтириб ташладик. Энди ана шу тошларни йиғадиган вақт келди, кимнинг қурби етса битта бўлса ҳам хайрли иш қилсин, унга раҳмат айтамиз.

Бошқача принцип асосида яшайдиган вақт келди: хайрли иш қилган ҳар бир одам юз карра обрў топади.

РЕДАКЦИЯДАН: Адиб нуқта қўйди. Энди биз жўнгина пана жойдан маҳрум бўлиб, ўзимизни қаёққа қўйишни, нима қилишни билолмай гарангмиз. Дарҳақиқат, А. Герцен айтганидек, «Ҳамонки сўз ўлмаган экан, демак иш ҳам ўлмаган».

Мамлакатимиз бошидан не-не воқеалар ўтмади дейсиз, мамлакат буларнинг ҳаммасига чидади, нимагадир эга чиқди, нималардандир маҳрум бўлди — буларнинг ҳаммаси халқ юрагида акс этди, унда акс садо берди. Ва Ватанимизнинг ҳар бир содиқ ўғлони буни ҳис этиб турибди. Кечмишимизни ҳам, бугунги кунимизни ҳам, умуман бутун ҳаётимизни яна бир карра фикран хаёлдан ўтказиш, халқ руҳининг куч-қудратига яна бир карра ишонч ҳосил қилиш ва эҳтимолки, ана шу руҳнинг мустаҳкамланиши ва бойишига заррача бўлсада, ҳисса қўшишга ўзини чоғлаш... Борис Васильев «Известия» газетасига тақдим этган ана шу ажойиб материалнинг бош ғоясини биз ана шундай илғадик.

Эҳтимолки, адиб ҳаммани ҳам, барча масалаларда ҳам ишонтира олмагандир. Лекин назаримизда ёзувчи бир нарсада шак-шубҳасиз ҳақ. Халқ маънавияти, бу маънавиятни тарбиялаш имкониятлари ва йўллари тўғрисидаги, ушбу маънавиятни бизнинг руҳий фазилатларимиз силсиласида энг юксак поғонага кўтариш ҳақидаги суҳбат ҳозир ниҳоятда зарурдир. «Известия» редакцияси ўз авторлари ва газетхонларини ана шундай суҳбатга таклиф этади.

(«Известия» газетасининг 17, 18, 19 январь сонларидан).

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

## Жонажон Ватан бўйлаб

✦ **ИВАНОВО.** Иваново техника углероди заводидан ҳавога чиқаётган заҳарли тутун булутлари йўқолди. Бу ерда резина-техника буюмлари тайёрлашда ишлатиладиган қурум ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган газ аралашмаларини куйдирувчи тажриба-саноат қурилмаси ишга туширилди. Самарали горелка билан жиҳозланган қурилмани Ярославль «Техуглерод» бирлашмаси мутахассислари яратдилар.

✦ **КИРОВОГРАД.** Голованевск нон заводида «Галочанская» суви чиқарила бошланди. Бу билан Украина шифобахш сувлари ёнига яна бир минерал сув қўшилди. Бу ерда тўла хўжалик ҳисобига ўтилиши билан 20 йил илгари «Галочье» ўрмон массивида қазилган қудуқдан чиққан сувни эслаб қолишади. Бу сувдан ўрмонда бунёд этилган ҳовузни тўлдириш учун фойдаланган эдилар. Ҳозир ишлаб турган мева ичимликлари тайёрланадиган линияда қўшимча сарф-харажат қилмай, сувни шишаларга қуя бошладилар. Нон заводи область матлубот жамияти билан шу йил учун шартнома тузди. Шартномага мувофиқ корхона бир миллион шиша минерал суви етказиб беради. Олинган фойда асосан коллективнинг социал-эҳтиёжларига сарфланади.



**МОГИЛЕВ ГАЗЛАМАЛАРИ**

**БЕЛОРУССИЯ ССР.** Могилев шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи хўжалик юритишнинг янги усулига ўтиб, улкан марраларни мўлжалламоқда. Корхонада ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдан воз кечиб, харидорлар эҳтиёжига, савдо корхоналарининг буюртмаларига кўпроқ эътибор бериладиган бўлди. Қисқа вақт ичида маҳсулотлар ассортименти янгиланди, мавсумий кийим-кечаклар учун аралаш газламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тармоқнинг энг йирик корхонаси бўлиб қолган Могилев бирлашмаси ҳаммаси бўлиб бир йилда 129 миллион квадрат метр турли ассортиментдаги газламаларни ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: ушбу кийим модели Могилев бирлашмаси цехларида ишлаб чиқарилган газламадан тикилган.

В. Битченко ва С. Желудович фотоси,

ТАСС фотохроникаси.

✦ **УЛАН - УДЭ.** Гусиноозерск шаҳридаги «Теплоэнергетик» уй-жой қурилиши кооперативи учун маҳаллий ГРЭС территориясида тўпланиб қолган тошқол ва кул хом ашё манбаи бўлиб қолди. Станциядан темир-бетон ишлаб чиқариш цехини ижарага олган кооператорлар унинг қувватини уч баравар кўпайтиришди. Бу ерда ҳар йили тўққиз минг куб метрга яқин тошқолблокли буюмлар ишлаб чиқариш белгиланган. Тошқол ва кулни қайта ишлаш экология вазиятини яхшилашга ҳам имкон беради.

✦ **АЛИТУС** (Литва ССР). Алитус районидаги «Сантака» колхози ўзини ва қўшни хўжаликлар деҳқонларини қишлоқ новвойхонасида ёпилган иссиқ нон билан таъминлай бошлади. Бу ерда қурилган новвойхонада барча севиб истеъмол қиладиган қора нон, Литванинг анъанавий пироглари, печеньелари пиширилмоқда, нон кваси тайёрланмоқда. Ғиштдан ишланган кўҳна печлардан олинаётган қип-қизил думалоқ нонлар хўжаликнинг марказий қишлоқларида, қўшни колхозларда ташкил этилган дўконларга етказиб берилмоқда. «Сантака»даги ёрдамчи ҳунармандчилик йилига юз минг сўм фойда келтиради.

✦ **ТУЛА.** «Тулабумпром» бирлашмасида кимки муттасил ва нуқсонсиз 20 йилдан ортиқ ишлаган бўлса, эндиликда унга меҳнат коллективи кенгашининг қарорига биноан «Фахрий ветеран» шахсий унвони бериладиган бўлди. Шу унвонга сазовор бўлган кишиларнинг пенсияларига ҳар йили 240 сўм қўшиб берилади. Улар ўз квартираларини беш йилда бир марта текинга ремонт қилдириш ҳуқуқига эга бўлиб, бошқа имтиёзлардан ҳам фойдаланадилар. Бирлашма тўла хўжалик ҳисобига ўтганлиги туфайли шундай қарор қабул қилиш мумкин бўлди.

